Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 7 июль, № 138 (8481) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР МАМЛАКАТИ

Пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” дея номланган халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги давом этмоқда. Унда янги Ўзбекистондаги туб ижобий ўзгаришларни акс эттиришга қаратилган, турли соҳа ва йўналишлар, мавзуларни қамраб олган, янгиланган Конституциямиз, мамлакатимизда яратилаётган қулай бизнес муҳити, соғлом ва билимли жамият қуриш ғояси, барқарор келажакни барпо этишга хизмат қиладиган сифатли таълим, тиббиёт ва инновация, маданий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб этиш, туризмни даромадли соҳага айлантириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш сингари қизиқарли, муҳим ва долзарб масалалар таҳлилига бағишланган сессиялар иштирокчиларда жиддий қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳафталик доирасида “Янги Ўзбекистон: минтақаларни боғловчи кўприк” халқаро конференцияси хориждан келган турли мамлакатлар расмий идоралари, экспертлар ва кузатувчилар иштирокида қизғин мунозаралар билан ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Латвия каби давлатларнинг Транспорт вазирликлари раҳбарлари, шунингдек, ЕТТБ, Жаҳон банки, USAID, UBC бизнес-клублари ассоциацияси, “ATR” компаниясининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакиллари қатнашди. Хорижлик мутахассислар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллаган транспорт соҳасида йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасига тўхталиб ўтишди.

2

АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Энсиё Хазалий билан учрашди.

Учрашув

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, айниқса, савдо-иқтисодий ва сиёсий мулоқотлар изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Эронга минтақадаги яқин дўст ва ишончли шерик сифатида қарайди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, халқаро тузилмалар доирасида шериклики кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Сенат Раиси сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг қатъияти туфайли Ўзбекистон — Эрон ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бораётгани, жумладан, парламентлараро муносабатлар ҳам янги босқичга чиққанини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, икки мамлакат парламентлари олий даражада эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида парламент назоратини амалга ошириши муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, 2023 йил 18 — 22 январь кунлари Техрон шаҳрида ташкил этилган биринчи “Нуфузли аёллар халқаро конгресси” хотин-қизлар ижтимоий жипслигини мустаҳкамлаш, аёллар муаммоларига глобал даражада эътибор қаратиш бўйича биргаликда ечим топиш ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш учун муҳим мулоқот майдони бўлгани айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасида парламентлар, ҳукуматлар вакиллари, тадбиркорларнинг ўзаро амалий ташриф-лари фаоллашганини қайд этди.

Давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликка оид имзоланган ҳужжатларнинг тўлақонли амалга оширилиши эса келажакда ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

— Ўзбекистонда ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда, бунга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштириляпти, уларнинг жамиятдаги роли ва ўрни юксалмоқда. Бу, албатта, таҳсинга сазовор. Эронда ҳам бу борада қатор дастур ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу маънода, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир, — дея таъкидлади Энсиё Хазалий.

Дўстона ва амалий руҳда кечган учрашув якунида истиқболдаги режалар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

2023 9-IYUL O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҚАНДАЙ ПРИНЦИПЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа — шу йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Президент сайлови арафасида турибди. Президентлик сайлови халқимизнинг эртанги куни, фаровонлиги, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлайдиган муҳим сиёсий жараёндир.

Ҳозирда ушбу сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатимизнинг барча фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этади. Шу билан бир қаторда, сайловларни ўтказиш, уларга тайёргарлик кўриш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун барча зарур шарт-шароит яратишда сайлов принциплари катта амалий аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, табиий саволлар туғилади: сайлов принциплари ва уларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? Халқаро стандартлар бўйича принциплар қандай талабларга мос келиши лозим ва уларнинг демократик сайловларни ташкил этишдаги ўрни қанчалик муҳим?

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси “Инсонийлик мезонлари” юзасидан 1990 йил 29 июнда ўтказилган Копенгаген конференциясида Сайлов жараёнларига оид талабларни тасдиқлаган. Унда қайд этилган бир қатор меъёрлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида ЕХҲТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниши шарт бўлган мажбурият мақомига эгадир.

Ушбу мажбуриятларни бажариш ҳар бир аъзо давлатнинг қонунчилигида, шу жумладан, Конституция ва тегишли норматив ҳужжатлар мазмунида акс эттириш орқали таъминланган.

Сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари Бош қомусимизда ўз ифодасини топган: Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади.

Сайлов жараёнларининг устуни бўлган принципларнинг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, Копенгаген конференцияси талабларига мувофиқ, **умумий сайлов ҳуқуқи принципи** сайловчилар ва номзодларга самарали, холис, эркин ва ҳар қандай камситишларсиз рўйхатдан ўтиш ва сайловларда қатнашишни тўлақонли таъминлашдан иборатлиги тушунилади, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ўн саккиз ёшга тўлган мамлакатимиз фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгалигини англатади.

2

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 9 июль куни муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган “Agrotec Handels Gmbh” инвестиция компанияси президенти ва Ўзбекистоннинг Австриядаги фахрий консули Борис Кандов билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Суҳбат чоғида меҳмонга Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва янгиланган Конституция доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатимизда навбатдан ташқари Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Б. Кандов муддатидан илгари бўладиган Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнларига таклиф этишгани учун миннатдорлик изҳор қилиб, унинг муваффақиятли ўтишига ишонч билдирди.

— Қуёшли ва меҳмондўст Ўзбекистонга яна ташриф буюриш менга катта мамнуният бағишлайди. Албатта, бугун мамлакатингиз жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб, бу давлатнинг халқаро майдондаги роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

2

Ўзбекистон ва ШҲТ:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини самарали ҳал қилишда, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда катта ҳисса қўшиб келаётган нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. ШҲТ муваффақиятида, фаолияти самарадорлигини оширишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси салмоқли бўлиб, мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида у билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Акс садо

Ташкилотнинг 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорликнинг самарали ва унутилмас макони сифатида жаҳон ҳамжамияти эътиборини қозонди. Мазкур анжуманда имзоланган ҳужжатларнинг бугун ҳаётга татбиқ этилаётгани нафақат мамлакат, балки минтақа миқёсида ҳам ўз натижасини бераётир.

Барча йўналишлар каби экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, озиқ-овқат хавфсизлиги ва туризмни ривожлантириш муаммолари ШҲТнинг барча якуний ҳужжатларида стратегик масала сифатида ўз аксини топиб келмоқда. Хусусан, Шанхай декларациясида ва Шанхай хартиясида ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан бири экология соҳасидаги ўзаро бирдамликка йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, уларнинг дастурлар асосида амалга оширилгани якуний ҳужжатларнинг бугунги долзарб аҳамиятини белгилаб бермоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда ШҲТга аъзо давлатлар сармояси иштирокидаги 7,5 мингдан ортиқ компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Бу мамлакатимизда иш олиб бораётган хорижий компаниялар умумий сонининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Биргина 2021 йилда юртимизга ШҲТ давлатларидан 4,6 миллиард доллар сармоя жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил 4 июль куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоконференция шаклида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди ва муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, “яшил” кун тартибига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда барча мамлакатлар бу борада кўп ишларни олиб бормоқда. Бироқ ШҲТ майдонида иқлим ўзгаришига мослашиш, декарбонизация ва “тоза” технологияларни жорий этиш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни ривожлантириш масалалари бўйича янада яқин мувофиқлаштирув ва амалий ҳамкорлик зарур. Бу борада Ўзбекистон томонидан “Яшил белбоғ” дастури доирасида минтақавий экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини тайёрлаш таклиф қилингани айни муддао бўлди. Ушбу ишни эса Ўзбекистонда ташкил этилаётган Марказий Осиё атроф-муҳитни ўрганиш ва иқлим ўзгариши университети негизида уюштириш мумкин.

Айтиш жоизки, бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар халқаро хамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, барча аҳоли пунктларида барпо қилинаётган “яшил” жамоатчилик парклари бугунги кунда том маънода миллий ҳаракатга айланди. Қолаверса, сўнгги 5-6 йил ичида Орол денгизининг қуриган тубидаги 1,7 млн. ер майдонида ўрмонлаштириш ишларининг ҳамда яшил ҳудудлар ва “яшил белбоғ”ларнинг барпо этилиши нафақат Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, балки минтақа давлатлари манфаатлари учун ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш борасидаги вазифалар юзасидан Париж келишуви доирасида амалга оширилаётган миллий ташаббуслар бугун ўз натижасини бермоқда. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида амалга оширилаётган дастурлар эса ушбу мақсадларни тизимли равишда уддалаш имкониятини бераётир.

2

Депутатлар — ҳудудларда

МУРОЖААТЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИШ ИМКОНИЯТИ

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларга чиқиб, сайловчилар билан учрашмоқда, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам беришаётир.

Парламент қуйи палатаси депутати Одинахон Отахонова ана шу мақсадда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида бўлиб, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Учрашувлар давомида фуқароларга Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамияти етказилди.

Тумандаги “Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган мулоқот чоғида нафақат аҳоли томонидан билдирилаётган муаммо ва камчиликлар ўрганилди, балки охирги олти йилда юртимизда ҳар бир соҳада бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шаҳрихон тумани ҳокими, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, маҳалла фаоллари қатнашган учрашув аҳоли томонидан турли масалаларга доир келиб тушган кўплаб мурожаатларни жойида ҳал этиш имконини берди. Шу билан бирга, учрашувда маҳалладаги ташландиқ ҳолатга келиб қолган боғча биносини таъмирлаш, кўчаларни асфальтлаш, ичимлик суви тармоқлари ҳамда симёғочларни бетон таянч устунларга алмаштириш каби масалалар бўйича бир қатор мурожаатлар кўтарилди.

Депутат ушбу масалаларни ўз назоратига олиб, туман ҳокими ва тегишли мутасаддилар билан биргаликда уларни ижобий ҳал этиш чораларини кўришини билдирди.

Учрашувлар давомида халқ вакили туман ҳокими билан биргаликда Шаҳрихон туманидаги “Полосон” МФЙда ҳам бўлиб, сайловчилар мурожаатларини ўрганди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, ёш авлод ҳамда хотин-қизларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, нуроний онахон ва отахонларга қаратилаётган эътибордан ниҳоятда мамнун эканликларини билдирди.

— Учрашув давомида кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдик, — дейди “Полосон” МФЙда яшовчи фуқаро Б. Қаҳҳоров. — Суҳбат жараёнида депутатдан имтиёзли даволаниш учун ордер олишда кўмак сўраган эдим, мурожаатим шу ернинг ўзида ижобий ҳал бўлди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиздан, ҳукуматимиздан беҳад миннатдорман.

4

ҲАР ТОМЧИСИ БЕБАҲО



СУВ РЕСУРСЛАРИ КАМ, ЛЕКИН УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎП

Ислоҳот одимлари

Сувни асраш, исроф қилмаслик ва ундан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг глобал масалаларидан бири саналади.

Кейинги йилларда нафақат дунёда, балки минтақамизда ҳам сув ресурслари тобора камайиб бораётгани барчамизни ташвишлантирмоқда.

Бу йилги суғориш мавсумида сув ресурслари ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан Амударё ҳавзасида 15 — 20 фоизга, Сирдарё ҳавзасида 10 — 15 фоизга кам бўлиши прогноз қилинган эди. Олдиндан тайёргарлик қилиниб, чоралар кўриб қўйилганига қарамасдан, обиҳаётнинг танқислашиб бораётганини, айниқса, биз, соҳа мутахассислари чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Шунинг учун ҳам аҳоли орасида сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, бу неъматнинг ҳар томчисидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш юзасидан аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилаётир. Лекин очиғини айтганда, сув тарғиботи бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамма жойда ҳам етарли даражада амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Сув етти ёшдан етмиш ёшгача — барчанинг биринчи галдаги ташвишига айланмас экан, рўзғордан бошлаб томорқа ва экин майдонларида уни тўлиқ тежаб ишлатишга ўтмас эканмиз, сув етишмовчилиги муаммоси йилдан-йилга кучайиб бораверишини аниқ.

Халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда мамлакатимиз енгил саноатининг асосий хомашёси бўлган пахтани етиштиришда Қашқадарё вилояти салоҳиятли ҳудудлардан ҳисобланади. Вилоятда суғориладиган ер 514 минг гектарни ташкил этади. Воҳадаги энг муҳим ирригация тармоғи, шубҳасиз, Қарши магистраль канали саналади. Ушбу канал 326 минг гектар суғориладиган ерни обиҳаёт билан таъминлаб келмоқда.

Амударёнинг Туркманистон давлати ҳудудидан ўтувчи қисмидан 6 кўтарма насос станцияси орқали Қарши магистраль каналига сув олинади.

4

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 7 июль

Ўзбекистон ва ШҲТ: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

1 Сир эмаски, Ўзбекистоннинг ШҲТ мамлакатлари билан ҳамкорлигининг долзарб йўналишларидан яна бири озиқ-овқат хавфсизлиги масаласидир. Дунё аҳолисининг 42 фоиздан кўпроқ қисми ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида истиқомат қилади. Бундай шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва муаммоларга ўз вақтида чора кўриш ташкилотга аъзо мамлакатлар учун устувор вазифага айланиб, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда аграр соҳага оид ҳамкорлик масалалари эса ШҲТ доирасида тобора устуворлик касб этади.

Саммитда бугунги геосиёсий кескинлик ва глобал иқлим ўзгаришлари шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ хатарлар ортиб бораётгани боис БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда шу йил сентябрь ойида Ўзбекистонда мазкур масала бўйича халқаро конференция ўтказилади.

Албатта, сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, улар хавфсизлигини таъминлаш, экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ва кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, режалаштирилаётган халқаро конференция, ўз навбатида, мазкур соҳани ривожлантиришда халқаро миқёсда тажриба алмашиш платформаси вазифасини ўтайди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлик асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда сифатли ва мақбул нархлардаги умумминтақавий сайёҳлик маҳсулотлари етишмаслиги яққол сезилмоқда. Бунда ШҲТ минтақасида Туризмни ривожлантириш йилида туризм маъмуриятлари, етакчи оператор ва авиакомпаниялар ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашувини Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланиши таъкидлаб ўтилди.

Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида шу йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида ШҲТ туризм индустриясини ривожлантириш бўйича қўшма илмий-амалий конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2021 йилда Ўзбекистонга ШҲТга аъзо давлатлардан 1,86 миллион сайёҳ ташриф буюрган. 2022 йилда эса бу кўрсаткич 4,94 миллионгача етиб, 2,75 баробар ошган. Жорий йилда бу кўрсаткич янада кўпайиши кутилмоқда. Табиийки, туризм соҳасида ҳамкорлик кенгайиши давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишига, ўзаро дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтганда, ШҲТ платформасида илгари сурилган ташаббуслар, қабул қилинган муҳим қарорлар ташкилот маконида серқирра шерикликни янада кенгайтиришга, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР МАМЛАКАТИ

1 Соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожи давлат ва жамият тараққиёти, халқ ҳаётининг фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тизимдаги янгиланишларни, аввало, одамлар ўзида ҳис қилиши, ҳаёти ва саломатлигидаги ижобий ўзгаришларда кўриши зарур. Мамлакатимизда ҳар доим бу соҳага катта эътибор қаратиб келинади. Халқаро экспертлар иштирокида ўтган мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими трансформацияси ва замонавий тиббиёт тизими ривожига бағишланган халқаро тадбирда таъкидланганидек, кейинги етти йил мобайнида тизимдаги энг катта ўзгаришлардан бири, бу давлат шифохоналари билан бирга хусусий тиббиётнинг ривожланиши бўлди.

Пойтахтимизда давом этаётган ҳафталик доирасида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси” мавзуидаги халқаро форумнинг иккинчи куни ҳам ғоят ишчан рухда ўтди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳимоялаш, манфаатларини таъминлашнинг мисли кўрилмаган янгича тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Бу жиҳатлар хотин-қизларнинг олий таълим билан қамраб олиниши, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси, опа-сингилларимизнинг хизмат пиллапояларидан юқорилаши, тадбиркорлиги, илғор ғояларини қўллаб-қувватлашга доир амалий ташаббуслар билан бевосита боғлиқдир.

Ҳафталик доирасидаги конференция, сессия ва давра суҳбатлари бугун ўз ниҳоясига етади.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Азим ИБРОҲИМ,
Тожикистон Республикаси транспорт вазири:

— Бугун Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланган. Ушбу жараёнда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Хусусан, давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли 2022 йил 20 июндан бошлаб ўтган асрнинг 90-йиллари бошида тўхтатиб қўйилган Душанбе — Тошкент йўналиши бўйича йўловчи поездлари ҳаракати қайта тикланди.

Айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўзаро боғлиқликни барча транспорт соҳаларида ривожлантириш юзасидан долзарб таклифлар илгари сурилди. Мен мазкур йўналишда янги транспорт коридорларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган лойиҳаларни алоҳида эътироф этмоқчиман. Транспорт-инфратузилмавий коммуникацияларни такомиллаштириш ва Марказий Осиёга халқаро транзит юк ташувчиларини жалб қилиш минтақа давлатларини бирлаштирувчи энг муҳим йўналишлардан биридир. Шу маънода, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон, “Жануб — Шимол” каби транспорт йўллари қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши Марказий Осиёни бутун бир логистика хабига, яъни жаҳоннинг муҳим бозорига айлантиришга ҳисса қўшиши билан аҳамиятли.

Ридван ДЮРАН,
Туркиянинг оила ва ижтимоий хизматлар ишлари бўйича вазири ўринбосари:

— Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда оилани асраб-авайлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ибрат олишга арзигулик механизм яратилганини алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун халқаро ҳамкорликни кенгроқ йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий соҳага амалда жуда катта эътибор қаратилаётганига ўтказилаётган тадбирлар, давра суҳбатларидаги чиқишлар, экспертлар мулоҳазалари орқали яна бир бор амин бўлдик. Қолаверса, кузатишларим асосида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклигининг ҳуқуқий асослари яратилганини, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектор иштирокини рағбатлантириш белгиланганини, аёллар ва болалар саломатлигига катта эътибор қаратилаётганини, хусусий тиббиёт муассасаларида трансплантология каби мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишга рухсат берилганини тиббиёт тизимидаги улкан бурилиш, деб айта оламан. Боз устига, тизимга хусусий секторнинг кириб келиши соғлом рақобат муҳитини яратади, тиббий хизмат сифатини оширади, рақобатнинг шаклланиши натижасида юқори тиббиёт технологияларидан фойдаланиш кўламининг ошиши, шунингдек, нархларнинг арзонлашишига туртки бўлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон жозибадор лойиҳалар ва ташаббуслар мамлакатига айланган.

Таҳир АМИРАСЛАНОВ,
Бутундунё ошпазлари федерацияси президенти (Озарбайжон):

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва рўй бераётган ўзгаришларни доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Чунки биз қардош халқлармиз. Дўстлигимиз чуқур тарихий илдизларга эга. Бизни кўп асрлик маданий-маънавий қадриятлар, анъаналар боғлаб туради. Шу маънода, сизнинг ҳар бир ютуғингиздан чин дилдан қувонамиз.

Ўзбекистонда муддатидан олдин бўлиб ўтаётган Президент сайловига дунё жамоатчилиги катта эътибор билан қараётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган юртингиз азалдан Шарқ Ғарбни боғловчи кўприк вазифасини бажариб келган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг минтақа ва дунё саҳнасидаги ўрни жуда катта.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатингизда туризмнинг, жумладан, гастрономик туризмнинг истиқболи баланд. Юртингизнинг турли ҳудудларида тайёрланадиган палов, дўлма, хоним, димлама, ҳалим, қовурдоқ, қозонкабоб ва бошқа турфа таомлар ўзига хос таъми, хушбўйлиги билан ҳар қандай сайёҳда катта қизиқиш уйғота олади.

Гастрономик туризмни ривожлантириш сайёҳлик тармоғи орқали иқтисодиётини мустаҳкамлашга интилаётган ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўрганишлар бугунги кунда туристлар саёҳат харажатларининг деярли учдан бир қисмини гастрономик мақсадларга, яъни овқатланиш учун сарфлашини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда сайёҳликнинг айни йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Турли шаҳарларда гастрономик кўчалар ташкил этилаётгани, миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналар очилаётгани, “Ҳалол” бренди тарғиботи йўлга қўйилгани бунинг амалий ифодаларидир. Бошқа жиҳатдан бу иқтисодиётда кичик бизнес улушини янада ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, кўплаб мамлакатлар фуқароларига визасиз режим жорий этилгани, хорижликларнинг мамлакатга келиб-кетиши соддалаштирилгани туризм тармоғининг янги Ўзбекистон иқтисодиётини равнақ топтиришда асосий соҳалардан бирига айланганини кўрсатади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Ишончим комилки, бўлажак Президент сайлови халқаро нормалар ва демократик тамойиллар асосида юқори ташкилий савияда ўтади, — деди у.

Меҳмон мамлакат раҳбариятининг миллатлараро ва минтақалараро тотувликни мустаҳкамлаш, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва жипслигини таъминлаш борасидаги мутаносиб сиёсатини эътироф этди.

Шунингдек, мулоқот давомида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги савдо, инвестициялар, оғир саноат, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм каби муҳим соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

МУМБАЙ ШАҲРИДАГИ ЖАҲОН САВДО МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР УЮШТИРИЛДИ

Мумбай шаҳридаги Жаҳон савдо марказида Ҳиндистоннинг логистика, туризм, савдо, фармацевтика, таълим, кино саноати ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи компаниялари раҳбарлари ҳамда хорижий давлатларнинг Мумбайдаги бош консулхоналари вакиллари иштирокида Ўзбекистонга бағишланган тадбир уюштирилди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатимиз билан изчил савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун яратилган қулай шароитлар ва инвестициявий имкониятлар тўғрисида батафсил маълумот тақдим этилди. Ҳинд тадбиркорлари Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга чақирилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда ҳаётнинг турли жабҳаларига татбиқ этилаётган ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнига катта қизиқиш билдирди.

Хусусан, “Crystal Shipping Co.Pvt. Ltd.” логистика компанияси раҳбари Рамеш Гулати Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт йўлаклари ҳамда ўзаро боғлиқликни ривожлантириш масалаларига тўхталиб, савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш нуқтаи назаридан қулай логистика йўналишлари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини қайд этди.

У компаниянинг икки давлат ўртасида юк етказиб бериш бўйича тўплаган тажрибаси ҳақида сўзлаб берди ҳамда мамлакатимизнинг йирик логистика компаниялари билан ҳамкорликни ўрнатишга тайёрлигини билдирди.

Ҳиндистон сайёҳлик агентлари уюшмаси вакиллари ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналиши — туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари ҳақида сўз юритди. Ўзбекистоннинг сайёҳлик манзиллари, меҳмонхоналари, маданий ва кўнгилочар масканлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш истиқболлари юзасидан таклифлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистоннинг “My Freighter” ва Ҳиндистоннинг “IndiGo” компаниялари томонидан яқин муддатларда Ўзбекистонга парвозлар йўлга қўйилаётгани, бу жараёнга бошқа хусусий компаниялар қўшилишга тайёргарлик кўраётгани сайёҳларнинг ўзаро оқимини янада фаоллаштиришда янги имкониятлар яратиши таъкидланди.

Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилишда кино саноатининг имкониятларидан кенг фойдаланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

“Yash Raj Films” компанияси вакиллари турли йўналишлардаги фильмларни суратга олиш учун Ўзбекистон ҳудудида жозибадор манзиллар кўплиги ва мазкур йўналишда ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини қайд этди.

“AGIO Pharmaceuticals Ltd.” компанияси раҳбари Мадҳусудан Руия ва “InterMed Laboratories” компанияси директори Пареш Меҳта Ўзбекистон билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келаётгани ва сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратилганини таъкидлади.

Тиббиёт ва фармацевтика соҳалари икки томонлама муносабатларда алоҳида мавқега эга эканига эътибор қаратилиб, бу йўналишда қўшма корхоналар тузиш, кўп тармоқли шифо масканлари очиш истиқболлари юзасидан амалий таклифлар муҳокама қилинди.

«Дунё» АА.
Деҳли

Гамхўрлик

МАКТАБЛАРГА КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сурхондарё вилоятида мактаблар ҳолатини яхшилаш, ёшларнинг сифатли таълим олиши учун қулай шароитларни яратиш бўйича бир қатор ташаббуслар ҳаётга татбиқ этиляпти. Айни жараёнда хорижий грантларни жалб қилган ҳолда таълим муассасаларини замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Куни кеча вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасида Хитой давлати гранти асосида олиб келинган 1 минг 760 та компьютер жамламасини вилоятдаги 110 та таълим муассасасига топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов иштирок этиб, шаҳар ва туманлар бўлимлари раҳбарларига сертификатларни топширди. Шунингдек, 36 та мактабнинг лаборатория хоналари учун жиҳозлар ва асбоб-ускуналар жамламалари тақдим этилди.

— 2023 йил якунига қадар яна 99 та мактабга компьютер жамламалари етказиб берилиши режалаштирилмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Хусниддин Мамадиев. — Натижада вилоятдаги мавжуд 948 та мактабнинг АКТ хоналари тўлиқ замонавий компьютерлар билан таъминланишига эришилади.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҚАНДАЙ ПРИНЦИПЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ?

1 Айнан сайловларда иштирок этиладиган минимал ёш миқдорига тўхталадиган бўлсак, жаҳон мамлакатлари тажрибасида бу миқдор турлича эканлигини кўрамиз. Мисол учун, Жанубий Корея, Канада, Литвада фуқаро сайловда қатнашиши учун 18 ёшга тўлган бўлиши керак, Грециядa бу кўрсаткич 17 ёшни, Австрияда эса 16 ёшни ташкил этади. Европанинг айрим мамлакатларида маҳаллий, ҳудудий ва миллий даражадаги сайловларда овоз бериш учун ёш цензи бир-биридан фарқланиши мумкин.

Умумий сайлов ҳуқуқи принципи (актив сайлов ҳуқуқи) умумий характер касб этишини таъкидлаб ўтган ҳолда мазкур принципни таъминлашда сайлов қонунчилигидаги айрим истисноларни инобатга олиш ҳам лозим. Жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилганлик учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум қилиниши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи бевосита сайловчининг эркин хоҳиш-ирода билдиришида намоён бўлиб, сайловчи Президентликка номзодлардан бирига тўғридан-тўғри овоз беради. Бу принцип, сайловчининг бевосита, яъни бирон-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри ўзи учун ўзи овоз беришини англатади ва бунда бирон-бир оралиқ босқичлардан ўтиш талаб қилинмайди. Бироқ тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи билвосита ва кўп поғонали сайловларда бошқача қўриниш касб этади, яъни бундай сайловларда сайловчилар аввал коллегиал сайловчиларни сайлайдилар, сўнгра улар бевосита номзодларга овоз берадилар. Бунга яққол мисол қилиб, АҚШ сайлов тизимини кўрсатиш мумкин.

Сайловчининг шахси сайлов участкасига келганидан сўнг паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ҳ.к.) кўрсатилгач тасдиқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга нисбатан амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига эса сенаторларнинг ҳудудий вакиллигига кўра, билвосита сайлов ўтказилади. Чунки Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан сайланади.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи Ўзбекистонда сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлишини, овозларни санаб чиқишда битта сайловчининг овози бошқаси билан тенглигини, бирорта овоз бошқасидан устун эмаслигини англатади. Бу принцип “тенг вакилликни таъминлашда барча овозлар бир хил кучга эга бўлиши”ни талаб қилади.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи бир хил асосларда фуқароларнинг сайловларда иштирок этишини англатади. Мазкур принцип қуйидаги қоидаларни амалиётга тўла татбиқ қилиш орқали таъминланади:

биринчидан, ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга, яъни сайловчи фақатгина битта сайлов участкаси рўйхатига киритилиши мумкин ва унга фақат битта сайлов бюллетени берилади;

иккинчидан, ҳар бир сайловчи унинг ижтимоий мавқеидан, жинси, ёши ва бошқа белгиларидан қатъи назар, овоз беришда бир хил мавқега эгадир. Янада аниқлаштирадиган бўлсак, сайлов натижаларига сайловчининг эрк-иродаси таъсир кўрсатишида қонун сайловчиларнинг ҳар бирига тенг имконият тақдим этади.

Яширин овоз бериш принципи сайлов бюллетенини олган сайловчи яширин овоз бериш хонасида (кабинасида) ўзи муносиб деб билган номзодга ҳеч қандай тўсиқ ва таъсирларсиз эркин овоз бериши ҳамда уларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмаслигини англатади.

Бундан ташқари, айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан уларнинг турган жойида ташкил этади. Турган жойида овоз беришда ҳам яширин овоз бериш принципи амал қилинади, яъни сайлов комиссияси аъзолари сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди.

Сайлов бюллетенини тўлдирган ҳолда ёки уни тўлдириш жараёнини суратга ёки видеога олиш, олинган тасвирларни тарқатиш, шу жумладан, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тақиқланади. Ушбу талаб фуқароларнинг яширин овоз бериш принципига қатъий амал қилишини белгилаб беради.

Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Бундай шароитларга, *биринчидан*, анонимлик, яъни овоз берувчи тўлдирилаётган бюллетенда шахсини аниқлашга ёрдам берувчи турли хил маълумот ҳамда белгиларнинг қўйилмаслиги; *иккинчидан*, яширинлик, яъни овоз бериш махсус ажратилган жойда ўтказилиши киради. Бунинг учун сайловчига овоз бериш кабинаси ёки хонаси ташкил қилинади. Сайлов бюллетенини тўлдириш жараёнида сайловчидан ташқари ҳеч бир шахснинг иштирок этиши мумкин эмас. Агар сайловчи ўзининг шахсий танлови тўғрисида маълумот беришни истамаса, ҳеч бир шахс ундан айнан қайси номзодга овоз берганлиги тўғрисидаги маълумотни сўраб олиши ёки айтишини талаб қилиши мумкин эмас.

Сайловларга тайёргарлик кўришда ва ўтказишда сайлов ҳуқуқининг яна бир муҳим принципи — **ошкоралик принципи** ҳисобланади. Ушбу принципга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга ўзларининг фаолияти, сайлов участкалари, округларининг ташкил этилиши, сайлов комиссиясининг таркиби ва унинг жойлашган жойи ҳамда иш вақти тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш, сайловда қатнашаётган сиёсий партияларнинг ва сайловчиларнинг рўйхати билан фуқароларни таништириш, Президентликка номзодлар, овоз бериш ва сайловнинг якуний натижалари тўғрисида маълумотлар бериши лозим.

Сайловларнинг ошкоралиги сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритишни кўзда тутади. Бутун сайлов кампанияси том маънода ошкоралик асосида ўтказилади. Ошкоралик сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, жумладан, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш ҳамда сайлов натижаларини белгилаш тадбирлари очиқ ўтказилишидан далолатдир.

Эркин сайловлар принципи, биринчидан, овоз беришда сайловчиларнинг ихтиёрий қатнашиши, иккинчидан, овоз беришда эркин танлашнинг мавжудлигида намоён бўлади. Овоз беришда ихтиёрийлик сайловчининг овоз беришда иштирок этиш-этмаслигини ўзи ҳал қилишини англатгани ҳолда, бу уларнинг фуқаролик ҳуқуқи эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Баъзи мамлакатларда (Австрия, Италия) овоз бериш фуқаронинг юридик мажбурияти сифатида белгиланиб, уни бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлиши мустаҳкамланган. Мисол учун, жарима қўлланилади, турли хил имтиёзлардан маҳрум қилинади. Овоз беришда эркин сайловлар сайловнинг муқобиллиги орқали таъминланади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартлардан яна бири — **адолатли сайлов принципи**.

Бу сайловларнинг даврийлигини қонун билан белгилаб қўйиш, сайловолди кампаниясини олиб боришда номзодларга тенг имкониятлар тақдим қилиш, сайловларнинг очиқ ва ошкоралиги, сайлов жараёнининг барча босқичида кузатувчилар иштирок эта олиши ҳамда мустақил суд, демакдир. Мустақил суд тизими сайлов жараёнини ноҳолислик, фирибгарлик ҳамда сохталаштиришдан самарали ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайлов ҳуқуқлари бузилиши ва сайлов жараёни субъектларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятларини кафолатлайди. Мухтасар айтганда, миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг эркин танлов ҳуқуқини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Хулоса шуки, халқаро андозаларнинг сайлов жараёнларида ўз аксини топиб бораётганлиги сайловларни демократик мезонлар ва тамойилларга мос равишда амалга ошириш зарурлигини англатади.

Мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловлар принципини жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий заминлар тўлиқ яратилган. Сайловлар халқнинг эркин тарзда ифода қилинадиган хоҳиш-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги Президент сайловида сайловчиларга номзодларни танлаш, сайлаш имконини беради. Бу эса фуқароларимизнинг сайловлардаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига янада кенгроқ имконият яратади. Зеро, яқинлашаётган Президент сайлови мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда ҳамда демократик жараёнларнинг янада жадаллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Аҳрор ХУДОЙБЕРДИЕВ,
юридик фанлар доктори, профессор.

ҲУДУДЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ВА СОҒЛОМ ЭКОЛОГИЯГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида мамлакатимиз ҳар бир ҳудудининг шароитидан келиб чиқиб, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, умуман, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида долзарб вазифалар белгиланган.

Номзоднинг мамлакатимиз ҳудудларида ўтказаётган сайловчилар билан учрашувларида халқимиз Сайловолди дастури билан атрофлича таништирилмоқда. Таклиф этилаётган дастурий мақсадлар айнан ҳудуд миқёсида қандай ўзгаришларни назарда тутаётгани, одамлар диққат марказида турган қандай муҳим масалалар ечимига хизмат қилиши хусусида сўз юритилмоқда.

Айдар-Арнасой қўллар экотизими муҳофазаси

Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг **Жиззах вилояти**даги сайловчилар билан учрашуви Мирзачўл туманида бўлиб ўтди. Учрашувда номзод йилдан-йилга камайиб бораётган табиий ресурслар, чиқиндилар муаммоси ва Жиззах вилоятида бу борада қилиниши керак бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди.

— Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида яшилликни сақлаш ниҳоятда муҳим. Чунки иқлим ўзгариши оқибатида ёзнинг иссиқ келиши, аномал иқлим ўзгаришлари инсонлар соғлиғига, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигига, бир сўз билан айтганда, бутун Ер юзидаги ҳаётий жараёнларга салбий таъсир кўрсатади, — деди **Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев**.

Номзод Жиззах вилоятининг табиатига ҳам бевосита алоқадор бўлган экологик номақбул ҳудудларда экологик ҳолатни тубдан яхшилаш бўйича санитар-эпидемиологик мониторинг тизими ривожлантирилиши масаласига алоҳида тўхталди.

Жумладан, номзод Жиззах вилоятининг ноёб жавоҳирларидан бири бўлган Айдар-Арнасой қўллар тизимининг сув сатҳи 2 метргача пасайиб, сув ҳажми 36,8 млрд. метр кубга тушганлигини тилга олди. Бунинг оқибатида қўлнинг қирғоқбўйлари 15 — 50 метргача чекиниб, туз қатлами ҳосил бўлган. Экотизимдаги бу ўзгаришлар ноёб қушлар турлари йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Сайловолди дастурида халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқоқ ҳудудлар (Рамсар конвенцияси) рўйхатига киритилган “Айдар-Арнасой қўллар тизими”, “Денгизкўл”, “Қуйимозор”, “Тўдакўл”, “Судочье-Акпетке” сув омборлари экотизимларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши алоҳида назарда тутилган.

— Номзоднинг Сайловолди дастурида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган қайвонларни овлаш ҳамда ўсимлик турларини табиатдан ажратиб олишга 10 йиллик мораторий эълон қилиш, геоахборот технологиялари асосида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш таклиф этилаётгани вилоятимизнинг бой флора ва фаунасини асраб-авайлашга хизмат қилади, — дейди **партия фаоли Санобар Суярова**. — Мен номзод томонидан илгари сурилаётган дастурни қўллаб-қувватлайман ва барчани олдимизда турган сиёсий жараёнларда фаол бўлишга чақираман.

Яшил ҳудудлар сув ва ҳаводек зарур

Абдушукур Ҳамзаевнинг **Сирдарё вилояти** сайловчилари билан учрашувида ҳудуддаги долзарб экологик масалалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг келгуси режалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Сайловолди дастуридаги тармоқлар ва ҳудудларнинг “Яшил иқтисодиётга ўтиш индекси”ни ишлаб чиқиш, юк ташишни йирик машиналардан темир йўл транспорти ва бошқа экологик тоза транспортларга ўзгартиришга қаратилган чоралар сирдарёлик сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундай стратегик мақсадлар дунёнинг ривожланган мамлакатларида аллақачон кун тартибига чиққан. Хусусан, Японияда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига 2050 йилга бориб автотранспортлардан атмосферага ташланмаларни ноль фоизга туширишни режалаштирилган. Буюк Британия эса 2030 йилга бориб дизель ва бензинли автомобиллар сотилишини бутунлай тақиқламоқчи. АҚШда 2030 йилга бориб, барча янги енгил автомобиллар ва юк машиналарининг 50 фоизини ноль чиқиндили транспортларга алмаштириш режалаштирилган.

Британиялик олимларнинг тадқиқотларига кўра, яшил ҳудудлар экологияни барқарорлаштириш билан биргаликда жиноятчилик камайишига ҳам олиб келади.

— Шу сабабли ҳам биз жамоатчиликнинг бугунги талабидан келиб чиққан ҳолда шаҳарлар бош режаларини тузишда уларда **яшил майдонлар камида 30 фоиз**ни ташкил этиши, шунингдек, янги турaржой биноларининг қурилишида яшил ҳудудларни аҳолининг сонига мутаносиб равишда қуриш зурурлигини таклиф этяпмиз, — деди **Абдушукур Ҳамзаев**. — Мисол учун, Сирдарё вилоятининг кескин континентал иқлимида аҳоли шундай баҳаво яшил ҳудудларга муҳтож.

Жаҳонда экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида яшил ҳудудларни ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Yale Centre for Environmental Law and Policy, АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre, Швеция). Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам Экологик қонунчиликни кодификация қилиш орқали Экология, Сув, Ўрмон кодексларини қабул қилиш, Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш тўғрисидаги дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экологик суғурталаш тизимини ривожлантириш каби таклифлар ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди.

— Номзоднинг Сайловолди дастурида иқтисодиётнинг кўп ресурс талаб қиладиган — энергетика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал соҳаларида энергия, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион, экологик ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш таклифи ўртага ташлангани айни муддао бўлди, — дейди **халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Акмал Икромов**. — Негаки, айнан шу соҳаларда табиий ресурслардан ноқилона фойдаланиш оқибатида турли экологик хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли юқори.

Агар юқоридаги таклифлар асосида ишлар тизимли равишда олиб бориладиган бўлса, келгусида дуч келишимиз мумкин бўлган кўплаб муаммоларнинг олди олинади, деб ўйлайман. Шуларни ҳисобга олиб барчани Абдушукур Ҳамзаевнинг номзодини қўллаб-қувватлашга чорлаб қоламан.

Мусаффо табиат билан дунёга танилиш керак

Президентликка номзоднинг **Самарқанд шаҳрида сайловчилар билан учрашуви**да аномал иқлим ўзгаришлари, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби табиий офатлар, кутилмаган табиат инжиқликлари каби экологик муаммолар, уларнинг ечими бўйича таклифлари тилга олинди.

— Самарқанд вилоятида ичимлик суви муаммоси ва яшил ҳудудларнинг етишмаслиги, ҳудуддаги биохилмахилликни асраш, чўлланиш, ғарб деградацияси каби экологик муаммолар мавжуд, — деди учрашувда номзод Абдушукур Ҳамзаев. — Вилоят ҳудудига қарашли миллий табиат боғларини, мавжуд дарё ва қўллар атрофидаги наботот ва ҳайвонот оламини асраш долзарб аҳамиятга эга. Мисол учун, Зарафшон дарёсида сув сатҳи пасайиши, назоратсиз равишда қудуқлар қазилиши оқибатида ер ости сувлари камайиб, табиий булоқларнинг ҳам қуриб қолаётгани бугун ташвишланарли ҳолдир. Зарафшон дарёси ва унинг атрофидаги ўзанлардан кўп миқдорда шағал ва тош қазиб олинаётгани ҳудуддаги табиий тўқайзорларнинг микрофлораси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сайловолди дастурига кўра, биохилмахилликни ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг ҳозирги 14 фоизидан 20 фоизига етказиш чоралари кўрилади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва сувли акваториясида уларнинг мақсадли вазифаларига зид бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйилади. Камёб ва кескин камайиш хавфи остида турган ҳайвонларни овлашга мораторий эълон қилинади.

Номзод боқий Самарқанд ўзининг бетакрор, сўлим гўшалари, гўзал табиати билан ҳам сайёҳларни ўзига жалб этиши керак, дея таъкидлаб ўтди.

— Аҳолини, айниқса, ёшларни она табиатимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим гарови, десак, муболаға бўлмайди. Номзод дастурида мазкур масаланинг ечими ўз аксини топган, — дейди **партия фаоли Мирзаахмад Мамедов**. — Экологик муаммоларни ҳал этишга доир стратегия ва дастурларни амалга ошириш учун давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини жалб этиш ташаббуси эътирофга лойиқ.

Сайловчилар атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ўзлари дуч келаётган турли экологик муаммоларни бартараф этишда фаол иштирок этиш истагини ҳам билдиришди.

Ҳавога заҳарли тузлар тарқалишининг олдини олиш муҳим

Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг **Навоий вилояти**даги сайловчилар билан учрашуви Кармана туманида бўлиб ўтди.

Катта қисми чўлдан иборат бўлган Навоий вилояти яшил оламга муҳтож ҳудудлардан биридир. Шунинг учун ҳам номзоднинг Сайловолди дастурида айнан **ўрмонларни муҳофаза қилиш**, кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш орқали республика ҳудудининг **ўрмон билан қопланганлик даражасини 30 фоизга етказиш** масаласининг кун тартибига олиб чиқилгани навоийлик сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз кам ўрмонли давлатлар сирасига киради. Ҳудудимизнинг бор-йўғи 7,5 фоизи ўрмон билан қопланган. Масалан, бу кўрсаткич Японияда 70 фоиз, Жанубий Кореяда 64 фоиз, Хитойда ва Россияда 40 — 45 фоиз, Европа давлатларида 35 фоиздан юқори. Қаерда яшиллик, дарахт кўп бўлса шу жойда экология барқарор бўлади. Айниқса, бизнинг Марказий Осиё ҳудудида бу жуда муҳим. Айнан чўл ҳудудларида ўрмонлаштиришни жадаллаштириш орқали чўллашишнинг олди олинади.

— Бугунги кунда юртимиз ҳудудида тез-тез учраётган чанг ва қум бўронлари оқибатларини юмшатиш, уларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига келтирадиган хавфини камайтириш, инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган заҳарли тузларнинг ҳавога тарқалишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш муҳим ҳисобланади, — деди **Абдушукур Ҳамзаев**. — Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида қум кўчишининг олдини олиш мақсадида **“яшил белбоғлар” барпо этиш ишларини жадаллаштириш**ни Сайловолди дастуримизда асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйганмиз.

Таҳлилларимизга кўра, кейинги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, айниқса, Европа Иттифоқи давлатлари ўзининг экологик сиёсатини амалга ошириш учун катта миқдорда молиявий қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқда. Хусусан, Евроиттифоқда 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи айнан экологик сиёсатни юритишга сарф этилган. Минтақадаги айрим мамлакатларда эса бу кўрсаткич яна ҳам юқори. Масалан, Швецияда ЯИМнинг салкам 4 фоизи, Францияда эса 3,5 фоизи йўналтирилган.

Дунёда инсон фаолияти натижасида ҳар йили атмосферага 20 миллиард тонна карбонат ангидрид гази чиқарилади ва 300 миллион тоннадан ортиқ пластик чиқиндилар ҳосил бўлади. “Яшил” иқтисодиёт тамойилларининг энг асосийларидан бири эса барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, кам углеродли, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий қилишдан иборатдир.

Ўзбекистонда 2021 йилда атмосферага ташланмалар миқдори **2,2 млн.** тоннани ташкил қилган бўлса, шундан **58 фоизи** транспорт воситалари, **42 фоизи** саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Металлургия, кимё ва машинасозлик марказлари бўлган Навоий шаҳрида ҳавонинг ифлосланиш даражаси ўртачадан юқори. Нафақат вилоятда, балки бутун республикада атроф-муҳитга зарар келтирувчи корхоналарни босқичма-босқич “Яшил технологиялар”га йўналтириш зарур. Бунда биринчи босқичда атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқаришга инвестицияларни камайтириш вазифаси туради. Европадаги кўплаб банклар 2022 йилдан бошлаб газ лойиҳаларига кредит беришни тўхтатди. Бу нафақат саноатни имтиёзли давлат кредитларидан маҳрум қилади, балки хусусий инвесторларни жалб қилишни ҳам камайтиради.

Шу сабабли ҳам мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида “Яшил виза” (“Green Visa”) дастурини жорий этиш орқали юртимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланишга капитал жалб қилинади.

Шунинг учун ҳам номзоднинг йирик ва саноати ривожланган шаҳарларда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углерод, азот бирикмалари, метан ва бошқа зарарли газлар миқдорини **2 бараварга камайтириш** орқали атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичларини белгиланган меъёрлар даражасига келтириш ва уларнинг аҳолига салбий таъсирини камайтириш ҳақидаги таклифларини Навоий вилояти сайловчилари алоҳида эътироф этишди.

Экологик хавф-хатарларга қарши курашишда намуна бўлади

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Президентликка номзод томонидан экологик муаммолар, уларнинг ечими, олдимизда турган вазифалар батафсил айтиб ўтилди.

— Ривожланган давлатлар, жумладан, Япония, Исроилдаги Яшиллар партияси ташаббусларига кўра, дарё, кўл ва бошқа сувбўйларида қурилишларни тақиқлаш экологияга жуда яхши таъсир қилган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам яшил ҳудудлар, тоғ ёнбағирлари, дарё ва кўллар соҳилларидаги ҳар қандай қурилишлар экологик экспертиза ва жамоатчилик назоратидан сўнг амалга оширилиши таъминланади, — деди Абдушукур Ҳамзаев. — Бугун чиқинди полигонларимизда 3,5 млрд. тоннадан зиёд саноат чиқиндилари йиғилиб қолган. Ҳозирда саноат чиқиндиларининг 6-7 фоизи, маиший чиқиндиларнинг эса 17-18 фоизи қайта ишланади, холос. Япония ва Хитойда бу кўрсаткич мос равишда 40 — 60 ва 90 фоизни ташкил қилади. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам хавфли чиқиндилар, тиббиёт ва биологик ҳамда қурилиш чиқиндиларини бошқариш ва қайта ишлашни тартибга солувчи “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинади.

Халқимизнинг соғлом турмуш тарзига эришиш учун ҳар биримиз фаол ҳаракат қилишимиз, барча имкониятларни ишга солишимиз зарурлиги қайд этилди. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод учун муаммо ҳаво, соф табиат, соғлом турмуш тарзини ҳаёт шиорига айлантиришимиз шарт. Шундан келиб чиқиб, сурхондарёлик сайловчилар билан мулоқотда Абдушукур Ҳамзаев муҳим бир таклифни илгари сурди: **2030 йилдан бошлаб 2009 йилдан кейин туғилганларга ёшидан қатъи назар, сигарет сотишни тақиқлашимиз керак!**

Сурхондарё вилояти мамлакатимизда марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси бўйича паст кўрсаткичга эга ҳудудлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сайловчилар томонидан номзоднинг қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти ва сифати яхшиланиши эътибор марказида бўлишига доир ташаббуслари кўтаринкилик билан кутиб олинди.

Аҳоли яшаш пунктларида бадбўй ҳид чиқараётган, оқова сув тозалаш иншоотлари бўлмаган ҳар қандай корхона фаолияти белгиланган талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилмагунча тўхтатилиш амалиёти жорий этилиши таъкидлаб ўтилди.

Сурхон диёрида тез-тез юз берадиган қум-чанг бўронлари вилоят аҳлининг оғриқли нуқталаридан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қум-чанг бўронларини камайтириш ва тўхтатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, шамол йўналишлари бўйлаб, илмий асосланган ҳолда иҳота дарахтзорлари барпо этиш, шунингдек, сув билан таъминланиш муаммолари вилоятликлар учун аҳамиятсиз масала эмаслиги таъкидланди. Учрашувда сўзга чиққанлар ушбу жиҳатларга алоҳида тўхталиб, бу борада ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш — бош вазифа

Номзоднинг **Бухоро вилоятилик** сайловчилар билан учрашувида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш борасидаги дастурий мақсадлар юзасидан атрофлича сўз юритилди.

Бухоронинг кескин континентал иқлими унинг **“яшил қалқонлар”** ва ҳудудларга муҳтожлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам сайловчилар номзоднинг Сайловолди дастуридаги ушбу йўналишни алоҳида қўллаб-қувватлашларини билдирди.

Бухоро аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизни ташкил этади. Ҳудуддаги аҳоли мурожаатларининг муайян қисми айнан тоза ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ экани ҳам бежиз эмас.

Шу боис сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ислоҳотлар олиб борилади. Ичимлик суви таъминоти лойиҳаларида бозор механизмларини жорий этишга киришилади, лойиҳа ташаббускорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув ҳисоблагичларини ўрнатиш чоралари кўрилади.

Республикада сув тақчиллигининг олдини олиш бўйича қўшимча чоралар кўриш лозим. Таҳлилларга кўра, 2030 йилга бориб сув тақчиллиги ҳозиргидан 2,5 баробарга ортиши кутилмоқда. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологияларни (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) жорий этишда иқтисодий омилларни янада кенгроқ қўллаш орқали ушбу соҳани давлат томонидан рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилади.

— Номзод томонидан кам таъминланган қатлам ва экологик номақбул ҳудудлар аҳолиси учун ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши таклиф этилаётгани кўпчилик кутган ташаббус бўлди, — дейди Бухоро давлат университети Биотехнология кафедраси мудири Фарҳод Жумаев. — Шунингдек, экологик омилларнинг инсон соғлиғига салбий таъсирини бартараф этиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган тиббий суғурта механизмлари жорий қилиниши ҳам соҳа учун янгилик бўлади. Барчамиз мамлакатимизда чанг-тўзон кўтарилиши ҳолатларини кузатяпмиз. Бундай табиий офатларнинг олдини олиш учун номзоднинг Сайловолди дастурида вилоятнинг чўл билан чегарадош ҳудудларида “яшил қалқонлар” ва иҳотазорлар барпо этиш бўйича вазифалар белгиланганини олқишлайман ва қўллаб-қувватлайман.

Оролбўйи яна яшнайди, яшил олам кириб боради

Қорақалпоғистон глобал экологик муаммога учраган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакат барқарор ривожланишининг узоқ йиллик стратегиясида, албатта, бу масала устувор ўринларда туриши, жамоатчилик эътибор марказида бўлиши табиийдир.

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан давлат томонидан чоралар кўрилиши конституциявий норма сифатида мустаҳкамланиши муҳим аҳамият касб этади.

— Оролбўйи минтақасида яшил зоналарни яратмасдан экологик мувозанатни тиклаш мушкул. Шунинг учун биз барча саъй-ҳаракатларимизни Орол денгизининг ҳалокатли оқибатларини юмшатишга қаратилган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратамиз, — деди **Абдушукур Ҳамзаев**.

Номзод таклиф этаётган дастурий мақсадларга кўра, Орол денгизи ҳожиаси оқибатларини бошидан кечираётган ҳудудлар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида иқлим ўзгариши хавфи ва таҳдидларини камайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинади. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, кластерларга суғориш тармоқларини модернизация қилиш тавсиялари ишлаб чиқилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кам сув талаб қиладиган даражада иссиқхоналар ва томчилатиб суғориш асосида етиштириш бўйича технологик таъминот масаласида яқиндан ёрдам берилади. Қурғоқчиликка бардошли экинлар экишни жорий этиш ва даромад манбаини оширишда ёрдам кўрсатилади.

— Бугун Орол ҳожиаси оқибатларини бартараф этиш учун денгиз ўрнида яшил қопламалар, яъни ўрмонзорлар барпо этишга киришилган. Номзод дастурида бу борадаги ишларни жадаллаштириш учун аниқ вазифалар таклиф этилмоқда, — дейди **Ёшлар парламенти аъзоси Малика Гулимбетова**. — Барпо этиладиган яшил қопламалар Оролбўйи минтақаси, аҳоли яшаш ҳудудлари, халқ хўжалиги объектлари, қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорлар ҳамда чўл ҳудудларидаги саксовулзор ва яйловзорларга заҳарли қум, туз ва чанг ёғилишидан ҳамда табиатнинг бошқа салбий таъсирларидан ҳимоя қилади. Минтақада экотизим сақланиши, биологик хилмахиллик кўпайиши учун қулай шароит яратади ва чўл яйловлари маҳсулдорлиги ошади. Шунинг учун мен барчангизни Абдушукур Ҳамзаев номзодини қўллаб-қувватлашга чақираман!

Тупроқ шўрланишига қарши илм билан курашиш керак

Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг **Хоразм вилоятилик** сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувида қурғоқчилик, ерларнинг шўрланиши, тупроқ деградацияси, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, биохилмахилликни сақлаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳақида атрофлича сўз юритилди. Сайловолди дастурида мазкур йўналишда аниқ мақсадлар қўйилгани эътироф этилди.

Вилоятда мавжуд 257,7 минг суғориладиган ерларнинг 99,2 фоизи шўрланган ерлар тоифасига кириб, 105,6 минг гектари ўртача ва кучли шўрланган ерлардир. Қолган қисми эса кам шўрланган ерлар қаторига киради.

Шунинг учун ҳам номзоднинг Сайловолди дастурида мақсад қилинган тупроқ шўрланиши ва унинг олдини олиш борасидаги ечимлар хоразмлик сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

— Номзод сув ресурслари муҳофазаси, хусусан, аҳоли саломатлигини сақлашда марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилашга йўналтирилган вазифаларни таклиф этаётгани эътиборимни тортди, — дейди **экология фаоли Антонина Ким**. — Вилоятимизда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш зарур. Шу орқали одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга эришамиз, кўп ижтимоий муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Дастурда белгилангани каби мамлакат аҳолисига оқова сув хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича лойиҳалар Хоразм вилояти учун алоҳида аҳамиятга эга. Урганч, Хива ва Питнак шаҳар оқова сув тозалаш иншоотларини замонавий лойиҳалар асосида янгидан барпо қилиш, шунингдек, вилоятнинг бошқа аҳоли пунктларида ҳам оқова сув хизматини йўлга қўйишга имкон беради.

Президентликка номзод Урганч, Хива ва бошқа йирик аҳоли яшаш пунктлари атрофида “яшил белбоғлар” барпо этиш, Хоразм иқлимига мос гужум, тут, қандим, саксовул, жийда, заранг каби дарахт кўчатларини кўпроқ экиш зарурлигини қайд этиб ўтди.

Умуман олганда, номзоднинг ҳудудлардаги учрашувларида аҳолининг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва халқимиз фаровонлиги янада ошишига хизмат қилувчи Сайловолди дастуридаги таклиф ҳамда ташаббуслари фаоллар ва атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУШУКУР ҲАМЗАЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 7 июль

ҲАР ТОМЧИСИ БЕБАҲО

СУВ РЕСУРСЛАРИ КАМ, ЛЕКИН УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎП

1 Хусусан, биринчи насос станциясига Амударё суви 21 километр узунликдаги магистраль бош ўзан канали орқали олиб келинади. Дарё суви лойқалиги сабабли канални 21 та "земснаряд" ва бошқа ёрдамчи механизмлар орқали мунтазам лойқадан тозалаб туришга тўғри келади.

Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфида 14 та насос станцияси ва 89 та агрегат мавжуд. Туркманистон ҳудудида жойлашган 6 та насос станциясида эса 36 та насос агрегати бор. Улар 80 километр масофадаги дарёдан сувни 132 метр баландликка кўтариб беради.

Бу насос станциялари ўта улкан ва ноёб бўлиб, дунёда уларнинг муқобили йўқ. Чунки бундай йирик насос агрегатлари ҳеч қайси давлатда ишлатилмайди. Бир насос агрегати секундига 35 метр куб сув чиқаради. Бу суткасига 3 миллион метр куб, дегани.

Бугунги кунда 3,6 миллион нафар аҳоли истиқомат қилаётган Тошкент шаҳрида ичимлик суви учун секундига 10 — 12 метр куб сув ишлатилади. Таққослайдиган бўлсак, биз сўз юритаётган насос агрегатининг биттаси Тошкент шаҳридаги ичимлик суви истеъмолидан 3 баравар кўп сув чиқариб бериш қувватига эга. Суғориш мавсумида ана шу улкан насос агрегатларидан камида тўрттаси ишлаб турмаса ва йилига Амударёдан 4,5 миллиард метр кубга яқин сув тортилмаса, Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

36 та насос агрегатидан ҳар бирининг ишчи парраги оғирлиги 12,5 тоннадан иборат. Ишчи камераси 5,5 тонна, вали 22 тонна, статори 66 тонна. Улкан эҳтиёт қисмларининг барчаси илгари катта машаққатлар билан Россия давлатидан келтирилган. Баъзи эҳтиёт қисмларини йиллаб кутган вақтларимиз ҳам бўлган. Ҳозирги кунда ҳаммасини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада импорт қилинадиган эҳтиёт қисмларга сарфланадиган валюта тежаляпти, ишлаб чиқариш таннархи ҳам анча арзонга тушяпти.

Насос агрегатлари йил давомида тўхтамасдан ишлаб туради. Таъмирлаш ишлари параллель равишда олиб борилади. Бунга насос станцияси ишчи-ходимлари ҳам, таъмирлаш усталари ҳам кўникиб кетган. Агрегат бузилиб, сув чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун олдиндан ҳаракатини қилишади.

Толимаржон шаҳарчаси Қаршидан 80 километр узоқликда жойлашган. Шаҳарчадаги энг катта корхона, энг кўп одам ишлайдиган жамоа — Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармасидир. Айни чоғда у Сув хўжалиги вазирлигининг энг йирик бошқармаси ҳисобланади. Бу ерда мингга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилади. Шундан 380 нафари Туркманистон фуқароларидир. Қўшни давлат ҳудудида 11 та объект бўлиб, 100 нафарга яқин ходимлар бир ойдан "вахта" режимида ишлаб келади.

Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан яқин дўст, аҳил қўшни сифатида муштарак мақсадлар билан бир дарёдан сув ичиб яшаб келган. Ушбу халқларнинг тарихий илдизлари ва дини бир, тил, маданият, анъаналар муштараклиги Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари эвазига азалий ришталар, қардошлик алоқалари янада ривожланиб, муносабатларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга — стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

Айтиш жоизки, буни, аввало, биз сувчилар ҳис этяпмиз. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар натижасида Амударёдан фойдаланиш бўйича туркман ҳамкасбларимиз билан муносабатларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётир.

Илҳом ҚУРБОНОВ,
Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МУРОЖААТЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИШ ИМКОНИЯТИ

1 Халқ вакилининг аҳоли билан мулоқотлари давомида қатор мурожаатлар жойига чиқиб ўрганилгани кўплаб масалаларни зудлик билан ҳал қилиш имконини берди. Масалан, фуқаролардан тоза ичимлик суви ҳамда симёғочларни бетон таянч устунларга алмаштириш бўйича кўтарилган мурожаат жойида ҳал этилди. Шу маҳаллада яшовчи Абдуваҳоб Болтабоевнинг жарроҳлик операцияси учун ордер ва йўлланма олишига кўмаклашилди.

Парламент қуйи палатаси депутати О. Отахонова, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий соҳа объектлари, маҳаллалар, аҳоли хонадонлари ҳамда бозорлар ва савдо марказларида ҳам бўлиб, халқ билан юзма-юз учрашувлар ўтказди, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Янги боғча қуриш ишлари нега суст?

Халқ вакили Дилором Имомованинг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ва туманида аҳоли билан учрашувлари ҳам кўтаринки рухда ўтмоқда.

Очиқ мулоқотларда охирги олти йилда юртимизда, жумладан, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мамлакатда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар мамнуният билан тилга олинди.

Шу билан бирга, учрашув давомида фуқаролардан турли масалаларга оид мурожаатлар ҳам кўтарилди. Д. Имомова тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари билан бирга ҳар бир мурожаатни атрофлича ўрганиб чиқди. Кўплаб масалалар шу ернинг ўзида ижобий ҳал қилинган бўлса, ечими узоқ вақт талаб этадиган мурожаатлар депутатлик назоратига олинди.

Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги "Чуқун" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув давомида бир гуруҳ фуқаролар эски болалар боғчаси яроқсиз бўлгани сабабли бузиб ташлангани ҳамда янги боғча қуриш ишлари суст бораётганини айтиб, депутатдан ушбу масалада ёрдам сўради.

Д. Имомова мурожаатни жойига чиқиб ўрганди, мутасаддилар билан биргаликда масалага аниқлик киритди. Натижада бугун Чуқун қишлоғида 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти қуриш лойиҳа ишлари амалга оширилаётгани маълум бўлди.

Шаҳрисабз туманидаги 35-МТТда бўлиб ўтган учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида сўз борди.

Мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги, бу соҳага бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратиши қайд этилди.

Учрашувлар давомида халқ вакили тумандаги 26-умумий ўрта таълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан ҳам танишди. Муассаса таъмири учун 10,5 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, айни пайтда бу ишлар қизғин кетяпти. Ўрганишлар жараёнида қурилиш ишларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шундан сўнг Д. Имомова Шаҳрисабз туманидаги "Абзият" МФЙ аҳолисининг мурожаатига асосан 25-ДМТТга ҳам борди. Фуқароларнинг айтишича, болалар боғчасининг эски биноси бузилганидан кейин ишлар тухтаб қолган. Халқ вакили бу масала юзасидан туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари билан боғланиб, вазиятни ўрганиб чиқди ва лойиҳалаш ишларини бошлашга келишиб олинди.

Қуйи палата депутатининг навбатдаги манзили — туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхонаси бўлди. Депутат бу ерда аҳоли учун яратилган шароитлар билан қизиқди ва аниқланган айрим камчиликлар жойида бартараф этилди.

Фуқаролар ислоҳотлардан мамнун

Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми яратилгани натижасида нафақат аҳоли муаммолари ечим топмоқда, балки уларнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Салиҳовнинг Самарқанд вилояти Окдарё туманидаги учрашувлари давомида ҳам бу яққол намоён бўлди. Фуқаролар кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар чекка-чекка қишлоқларда ҳам бўй кўрсатаётганини, охирги олти йилда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш бўйича улкан ишлар қилинганини таъкидлади.

Депутат Э. Салиҳов тумандаги учрашувини Гўзалкент маҳалласидан бошлади. Дастлаб ҳудуддаги 9-сонли янги МТТ биносининг қурилиш жараёни билан танишилди. Ва бу жараёнда сифатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги айтилди.

Халқ вакили бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мазкур учрашувлар давомида депутат Оқдарё туманининг Истиқлол маҳалласидаги кўприк қурилиши жараёни билан ҳам танишди. Ушбу кўприкнинг лойиҳа қиймати 11 млрд. сўмни ташкил этиб, ҳозирда қурилиш жадал суръатда олиб борилмоқда. Халқ вакили кўприкни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Қуйи палата депутати Э. Салиҳов тумандаги учрашувлари давомида аҳоли билан дилдан суҳбатлашиб, уларни ўйлантираётган масалалар, ўз ечимини кутаётган муаммолар билан қизиқди. Бу жараёнда мурожаатларнинг салмоқли қисми жойида ҳал қилинди, айримлари назоратга олинди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Реклама

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ МАЪМУРИЙ БИНОЛАРИГА 1285 кВт ҚУВВАТЛИ ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ишлари фаол амалга оширилмоқда.

Молия муассасаларида

Бунда Президентимизнинг шу йил 16 февраль куни қабул қилинган "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ва мазкур жараёнда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, молия муассасасининг ҳудудий тармоқлари биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш ишлари қизғин давом эттирилаётир. Бугунги кунга қадар 34 та банк тармоғи биносига умумий қуввати 1285 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу борадаги ишлар трансформация жараёнлари билан бирга босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

— Бино-иншоотларга қуёш панеллари ўрнатишнинг афзаллиги жуда кўп, шунинг учун банк тизимини ислоҳ қилишда ушбу йўналиш ҳам раҳбарият диққат марказида, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Маъмурий хўжалик департаменти директори Фарҳод Тўраев. — Қуёш панели қурилмасидан фойдаланилганда электр энергияси текинга олинади. Электр энергия ишлаб чиқарилганда атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли газлар чиқмайди. Асосийси, қуёш панеллари ўрнатилган пайтдан бошлаб даромад олиб келади. Бундай муқобил энергия манбалари биноларнинг том қисмида ўрнатилгани учун ишлаш жараёнида ҳеч қандай шовқин бўлмайди. Замонавий восита биноларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Дарҳақиқат, банк биноларига қуёш панелларини ўрнатиш муассаса стратегиясидан ўрин олган бўлиб, ишлар халқаро консультантлар, эколог ва техник мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг бошида банк бош офиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё ҳудудий бошқармаларида умумий қуввати 200 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган эди.

Шу кунга келиб, ушбу ҳудудлар билан бирга Тошкент ва Қўқон шаҳридаги ҳамда Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Сурхондарё вилоятларидаги тармоқлар биноларини ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш ишлари якунига етказилди.

Қайд этиш жоизки, молия муассасасининг барча биноларига ўрнатиладиган қуёш панелларининг умумий қуввати 1455 кВтни ташкил этади. Улар ёрдамида йилига 2,3 млн. кВт/соат муқобил электр энергияси ишлаб чиқарилиб, натижада атроф-муҳитга 1035 тонна заҳарли "иссиқхона газлари" ажралишининг олди олинади, 1 020,0 млн. сўм иқтисод қилинади.

Шунингдек, эҳтиёждан ортиқча энергия ҳудудий электр тармоқларига узатилади. Бунинг учун жараён тўлиқ автоматлаштирилган, онлайн кузатув мониторинг тизими йўлга қўйилган.

Банк ахборот хизмати.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ | ПОЛОЦК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТ

2023/2024 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ТЎЛОВ-ШАРТНОМА АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами
		БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ	225
1.	5230900/1-25 01 08	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	50
2.	5230600/1-25 01 04	Молия ва молиявий технологиялар	100
3.	5230700/1-25 01 04	Банк иши ва аудит	50
4.	5231800/1-25 01 08	Бизнес-таҳлил	25

Таълим тили: РУС ТИЛИ

ҲУЖЖАТЛАР 2023 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 5 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ОНЛАЙН ТИЗИМ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари ва тест синовлари ўтказилишидан камида 3 кун олдин http:www.tfi-pgu-sf сайти орқали эълон қилинади.

*Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом»** талабларига мувофиқ қуйидаги икки босқичда ўтказилади:*

***биринчи босқичда** — институт томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари;*

***иккинчи босқичда** — институтнинг буюртмасига мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан тест синови ўтказилади.*

АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН ТИЗИМИДА http:www.tfi-pgu-sf САЙТИ ОРҚАЛИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШЛАРИ МУМКИН.

CALL-ХИЗМАТ телефон рақамлари: 71-234-01-36, 71-234-06-75, 71-235-50-66, 71-234-01-91, 71-235-12-91, 71-235-13-21.

«3+1» қўшма таълим дастурини муваффақиятли якунлаган битирувчига томонларнинг қўшалоқ дипломлари берилади.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ | ПОЛОЦК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРИГА

2023/2024 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ II БОСҚИЧИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА ТЎЛОВ-ШАРТНОМА АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Шифр	Мутахассислик номи	Жами
		МАГИСТРАТУРА, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ	50
1.	70410101/7-06-0411-01	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	10
	70410102/7-06-0411-01	Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	10
	70410402/7-06-0411-02	Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)	15
2.	70410403/7-06-0411-02	Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	15

Таълим тили: РУС ТИЛИ

ҲУЖЖАТЛАР 2023 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 5 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ОНЛАЙН ТИЗИМ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тест синови ўтказилишидан камида 3 кун олдин http:www.tfi-pgu-sf сайти орқали эълон қилинади.

*Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом»** талабларига мувофиқ қуйидаги икки босқичда ўтказилади:*

***биринчи босқичда** — институт томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ;*

***иккинчи босқичда** — институтнинг буюртмасига мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан тест синови ўтказилади.*

АБИТУРИЕНТЛАР ОНЛАЙН ТИЗИМИДА http:www.tfi-pgu-sf САЙТИ ОРҚАЛИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШЛАРИ МУМКИН.

CALL-ХИЗМАТ телефон рақамлари: 71-234-46-87, 71-234-06-75, 71-235-50-66, 71-234-01-91, 71-235-12-91, 71-235-13-21.

«1,5+0,5» қўшма таълим дастурини муваффақиятли якунлаган битирувчига қўшалоқ диплом берилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 655 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6